



Америка Қўшма Штатлари
Давлат Департаменти
Консуллик Масалалари бюроси

2019 ЙИЛ ТУРЛИ МИЛЛАТГА МАНСУБ ИММИГРАНТЛАР ВИЗАСИ ДАСТУРИ (DV-2019) ЙЎРИҚНОМАСИ

Дастур ҳақида маълумот

Конгресс қарори билан жорий этилган “Турли миллатларга мансуб иммигрантлар виза дастури –DV” ҳар йили Давлат Департаменти томонидан бошқарилади. Иммиграция ва Фуқаролик Кодексининг (ИФК) 203(с) бўлими Америка Қўшма Штатларига тарихан иммиграция кўрсаткичи паст давлатлардан бўлган “турли миллатларга мансуб иммигрантлар” деб аталувчи иммигрантлар синфини жорий этади. 2019-солиқ йилида 50000 нафар “турли миллатларга мансуб иммигрантлар” (DV) визалари мавжуд бўлади. DV дастурида рўйхатдан ўтиш бепул.

Лотереяда танлаб олинганлар (сараланганлар) “турли миллатларга мансуб иммигрантлар” визаларини олишга мувофиқ бўлишлари учун дастурнинг оддий, лекин қатъий талабларига мувофиқ бўлишлари шарт. Сараланганлар компьютерлаштирилган тасодифий лотерея танлови орқали сараланади. Визалар олти жўғрофий минтақалар орасида тақсимланади, ва ҳеч қайси бир давлатга бир йил ичида DV визаларининг етти фоизидан ортиғи берилмайди.

Қуйидаги давлатлар ҳудудида туғилган шахслар DV-2019да иштирок этишлари мумкин эмас, чунки сўнгги беш йил давомида бу давлатларда туғилган умумий сони 50000дан ортиқ шахс АҚШга иммиграция қилган:

Бангладеш, Бразилия, Канада, Хитой (материкда туғилганлар), Колумбия, Доминикана Республикаси, Сальвадор, Гаити, Ҳиндистон, Ямайка, Мексика, Нигерия, Покистон, Перу, Филиппин, Жанубий Корея, Буюк Британия (Шимолий Ирландиядан ташқари) ва унга қарам ҳудудлар, ва Вьетнам.

Сянган (Гонконг), Аоминь (Макао) махсус маъмурий округи ва Тайванда туғилган шахслар иштирок этишлари мумкин.

Бу йилги иштирок этиш учун талабларда ўзгаришлар мавжуд эмас.

Иштирок учун талаблар

1- Талаб: [Вакиллари дастурда қатнашиши мумкин бўлган давлатларда туғилган шахслар рўйхатдан ўтишга ҳақли бўлиши мумкин.](#)

Агар сиз мувофиқ давлатда туғилган бўлмасангиз, сизнинг иштирок талабларига жавоб

беришингизнинг яна икки эҳтимоллиги бор.

- Турмуш ўртоғингиз мувофиқ давлатда туғилганми? Жавобингиз ижобий бўлса, сиз турмуш ўртоғингизнинг туғилган давлатига тегишлиликни даъво қилишингиз мумкин. Бундай ҳолларда, сараланган аризада сизнинг ва турмуш ўртоғингизнинг исмлари кўрсатилган бўлиши, DV визаларини биргаликда олишингиз ва АҚШга бир вақтда сафар қилишингиз шарт бўлади.
- Сиз маҳаллий аҳолиси дастурда қатнашиш талабига номувофиқ давлатда туғилгансиз-у, лекин ота-онангиздан бирортаси ҳам бу давлатда туғилмаган ёки улар сиз туғилган вақтда ўша давлатда доимий истиқомат қилмаганми? Жавобингиз ижобий бўлса, сиз ота-онангиздан бирининг туғилган давлатига, агар унинг маҳаллий аҳолиси DV-2019 дастурини қониқтирувчи давлат бўлса, тегишлиликни даъво қилишингиз мумкин. Бунинг маъноси ҳақида батафсил маълумот учун [Кўп Сўраладиган Саволларни](#) кўриб чиқинг.

2 – Талаб: Ҳар бир мурожаатчи DV дастурининг таълим/иш тажрибаси талабига жавоб бериши шарт:

- энг камида ўрта ёки унга тенглаштирилиб, 12 йиллик расмий бошланғич ва ўрта таълимни муваффақиятли тамомлаш деб белгиланувчи таълимга;

ЁКИ

- сўнги беш йил ичида энг камида икки йиллик тайёрлов ёки тажриба талаб қилувчи фаолиятда икки йиллик иш тажрибага эга бўлишингиз керак. Мувофиқ меҳнат малакасини аниқлаш учун АҚШ Меҳнат Департаментининг [O*Net OnLine](#) маълумотлар базаси қўлланилади.

Мувофиқ меҳнат малакаси бўйича қўшимча маълумот учун [Кўп Сўраладиган Саволлар](#) га қаранг.

Мазкур талаблардан иккаласини ҳам қондирмасангиз, DV дастурига ариза топширманг.

Рўйхатдан ўтиш даври

DV-2019 турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар дастурига аризалар электрон шаклда www.dvlottery.state.gov веб-саҳифасида Шарқий Ёзги Вақт (EDT) (GMT-4) билан 2017 йил, 18 октябрь, чоршанба куни соат 12:00 дан бошлаб, Шарқий Стандарт Вақт (EST) (GMT-5) бўйича 2017 йил, 22 ноябрь, чоршанба куни соат 12:00 гача топширилиши керак. Рўйхатга олиниш даврининг сўнги ҳафтасигача кутманг, чунки юқори талаб веб-саҳифа фаолиятининг секинлашувига олиб келиши мумкин. Кеч топширилган ва қоғоз нусхадаги аризалар қабул қилинмайди. Қонун рўйхатга олиш даврида ҳар бир шахс томонидан ёки унинг номидан фақат битта ариза топширилишига рухсат беради. Давлат Департаменти биттадан ортиқ киритилган аризаларни аниқлаш учун мураккаб технологиялардан фойдаланади. **Мурожаатчининг биттадан ортиқ топширилган аризалари дастурдан четлатилади (дисквалификация).**

DV-2019 дастурига ариза топшириш тартиби

Турли Миллатларга Мансуб Иммигрантлар Визалари Аризаси Шакли (E-DV Аризаси Шакли ёки DS-5501)ни электрон равишда www.dvlottery.state.gov веб-саҳифасида топширинг. Тўлиқ бўлмаган аризалар қабул қилинмайди. Аризани рўйхатдан ўтказиш учун тўловлар мавжуд эмас. Илтимос, аризангизни топшираётганингизда янгиланган браузердан фойдаланинг; эскирган браузерлар (масалан: Internet Explorer 8) билан DV электрон тизимида муаммоларга дуч келиш мумкин.

Аризани шахсан ўзингиз, “виза консултантлари”, “виза хизматлари агентлари” ва бошқа шу каби “ёрдамчилар”сиз тўлдиришингизни маслаҳат берамиз. Агар бирор киши сизга кўмаклашса ҳам, ариза сизнинг ҳузурингизда тўлдирилиши лозим. Шунда сиз саволларга тўғри жавоблар тақдим эта оласиз ва тасдиқлов варағи билан хусусий тасдиқлов рақамингизни кўлингизга ола оласиз. Тасдиқлов варағи билан хусусий тасдиқлов рақамингизни ўзингиз учун сақлаб қўйишингиз ўта муҳимдир. Мазкур маълумотларсиз дастурдаги мақомингизни билиш учун Интернет тизимида кира олмайсиз. Бирор бошқа киши сизнинг ўрнингизга бу маълумотларни сақлаб қўйишни таклиф этса, эҳтиёткорлик билан ўйлаб кўринг. Шунингдек, сиз E-DVда кўрсатган электрон почтага кириш ҳуқуқини сақлаб қўйишингиз керак. DV дастурига оид фирибгарлик ҳақида маълумотлар учун [Кўп Сўраладиган Саволларни](#) кўриб чиқинг. Шунингдек, DV дастурининг муқаддимаси ва сизга унда ариза топширишда кўмаклашувчи босқичма босқич йўриқнома учун бизнинг [видео лавҳамизни](#) томоша қилишингиз мумкин.

Тўлиқ ариза рўйхатдан ўтказилганда экранда сизнинг исмингиз ва махсус хусусий тасдиқлов рақами тасвирланган тасдиқлов саҳифасини кўрасиз. Мазкур тасдиқлов саҳифасини маълумотингиз учун принтердан чоп этиб олинг. 2018 йил, 15 майдан бошлаб, сиз www.dvlottery.state.gov саҳифасига қайтиб кириб, Аризачи Мақомини Текшириш Функциясини (Entrant Status Check) босиб, ўз хусусий тасдиқлов рақамингиз ва шахсий маълумотларингизни киритиб, аризангизнинг мақомини (статусини) текшириш имкониятига эга бўласиз. Сиз Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси(Entrant Status Check)дан фойдаланиб, агар сиз DV-2019 дастурида сараланганингизни ва сараланган бўлсангиз, иммиграцион визангиз бўйича суҳбатингиз кунини текширишингиз мумкин. Саралаш жараёни ҳақида қўшимча маълумот учун [Кўп Сўраладиган Саволларни](#) кўриб чиқинг.

Электрон аризангиз (E-DV)ни тўлдириш учун куйидаги маълумотларни тақдим этишингиз керак бўлади:

1. Тўлиқ исм – Фамилия, исм, шариф. Тўлиқ исмингизни айнан паспортда кўрсатилганидек киритинг.
2. Жинс – эркак ёки аёл.
3. Туғилган сана – кун, ой, йил.
4. Сиз туғилган шаҳар.
5. Сиз туғилган давлат – Давлат номи ҳозирги пайтда сиз туғилган жойга нисбатан қўлланилидиган ном бўлиши керак.
6. DV дастури учун давлат мувофиқлиги ёки тегишлилиги – Давлатингизнинг мувофиқлиги

одатда сизнинг туғилган юртингиз билан бир хил бўлади. Сизнинг давлатингиз мувофиқлиги сизнинг қаерда яшашингиз ёки фуқаролигингизга боғлиқ эмас, агар у туғилган давлатингиздан бошқа бўлса. Агар сиз DV дастурида қатнашишга ҳақли давлатда туғилмаган бўлсангиз, давлат тегишлилиги бўйича [Тез-тез Сўраладиган Саволларни](#) кўздан кечиринг ва у ердан давлат тегишлилиги бўйича сиз учун бирор имкониятлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқланг.

7. Аризачиларнинг фотосуратлари – Ўзингиз, турмуш ўртоғингиз ва аризангизга киритилган барча фарзандларингизнинг яқинда (6 ой ичида) олинган фотосуратлари. Фотосуратларнинг тузилиши ва техник хоссаларига талабларни [рақамли фотосурат топшириш бўлими](#) да кўринг. Аллақачон АҚШ фуқароси ёки АҚШ қонуний доимий истиқомат қилувчиси бўлган турмуш ўртоғингиз ёки фарзандингиз учун фотосурат топширишингиз шарт эмас. Бироқ, сиз улар учун ҳам фотосурат топширсангиз, бу сиз учун муаммо туғдирмайди.

Биз гуруҳ фотосуратларни қабул қилмаймиз; ҳар бир шахс учун алоҳида фотосурат топширишингиз шарт. Агар фотосуратларингиз бирор йўл билан ўзгартирилган бўлса ёки куйида келтирилган талабларга мувофиқ бўлмаса, сизнинг аризангиз дастурдан четлатилиши (дисквалификация) ёки виза мурожаатингиз бўйича рад жавоби берилиши мумкин. Олдинги дастурга топширилган расмларни қайта топшириш дастурдан четлатилишга олиб келади. Қўшимча маълумот учун [рақамли фотосурат топшириш бўлими](#) ни кўринг.

8. Почта манзили –
Кимга
Манзил 1-сатр
Манзил 2-сатр
Шаҳар
Туман/Вилоят/Штат
Почта индекси
Мамлакат

9. Сиз ҳозир яшаётган мамлакат.

10. Телефон рақами (ихтиёрий).

11. Электрон почта манзили - сиз бевосита киришингиз мумкин бўлган ва биз кейинги йил май ойида сараланганларни хабардор этганимиздан кейин ҳам бевосита киришда давом этадиган электрон почта манзили. Аризангиз сараланса ва сиз Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (*Entrant Status Check*) орқали ғолиблигингиз ҳақидаги хабарга жавоб берсангиз, сиз Давлат Департаментидан электрон почта орқали иммиграцион визангиз бўйича суҳбатингизга оид батафсил маълумотларни Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (*Entrant Status Check*) да кўриб чиқишингиз мумкинлиги ҳақида хабар оласиз. Давлат Департаменти ҳеч қачон DV дастурида ғолиб бўлганлигингиз ҳақидаги маълумотни электрон почта манзилига жўнатмайди. Саралаш жараёни ҳақида қўшимча маълумот учун [Кўп Сўраладиган Саволларни](#) кўринг.

12. Сиз шу кунга қадар тугатган энг юқори таълим босқичи: (1) фақат бошланғич таълим (2) тўлиқсиз ўрта таълим, (3) тўлиқ ўрта таълим (4) касбий/ўрта махсус таълим (5) тўлиқсиз олий маълумот, (6) бакалавр (7) тугалланмаган магистратура (8) магистр (9) докторантура

даражасида курслар (10) фан доктори. Таълим талаблари ҳақида кўшимча маълумот учун [Кўп Сўраладиган Саволларни](#) кўринг.

13. Ҳозирги оилавий ҳолатингиз – (1) Турмуш қурмаган, (2) турмуш қурган ва менинг турмуш ўртоғим АҚШ фуқароси ёки АҚШ Қонуний Доимий Резиденти (LPR) ЭМАС, (3) турмуш қурган ва менинг турмуш ўртоғим АҚШ фуқароси ёки АҚШ Қонуний Доимий Резиденти (LPR), (4) ажрашган, (5) бева ёки (6) қонуний расмийлаштирилган алоҳида яшаш. Турмуш ўртоғингизнинг тўлиқ исми-шарифи-фамилияси, туғилган санаси, жинси, туғилган жойи ва туғилган мамлакатини киритинг ҳамда турмуш ўртоғингизнинг фотосурати ҳам ўзингиз учун киритишингиз керак бўлган фотосурат каби бир хил талабларга мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиб топшингиз.

Талабларга мувофиқ турмуш ўртоғингизни аризага киритмаслик асосий мурожаат этувчининг дастурдан четлатилишига (дисквалификация) ва виза суҳбати давомида мурожаат бўйича барча визаларнинг рад этилишига олиб келади. Агар сиз турмуш ўртоғингиздан алоҳида яшаётган бўлсангиз ҳам, фақатгина сиз қонуний расмийлаштирилган ҳолда алоҳида яшаётган бўлмасангиз, турмуш ўртоғингизни аризангизда кўрсатишингиз шарт. Қонуний алоҳида яшаш бу суд қарорига асосан эр-хотин никоҳда қолиши лекин алоҳида яшашини белгиловчи битимдир. Агар сиз турмуш ўртоғингиз билан қонуний алоҳида яшаётган бўлсангиз, сизнинг турмуш ўртоғингиз сиз билан DV дастури орқали кўчиб кета олмайди. Агар қонуний алоҳида яшаётган турмуш ўртоғингизнинг исмини аризангизда кўрсатсангиз ҳам бунинг учун сиз жазоланмайсиз. Агар сизнинг алоҳида яшашларингиз суд буйруғига асосланган бўлмаса, у ҳолда турмуш ўртоғингизни киритишингиз шарт ҳаттоки сиз DV визасига мурожаат этишдан аввал ажрашмоқчи бўлсангиз ҳам. Талабларга мувофиқ турмуш ўртоғингизни аризага киритмаслик дастурдан четлатилишга (дисквалификация) асосдир.

Агар турмуш ўртоғингиз АҚШ фуқароси ёки АҚШ қонуний доимий истиқомат қилувчиси бўлса, уни аризангизда кўрсатманг. Аллақачон АҚШ фуқароси ёки АҚШ қонуний доимий истиқомат қилувчиси бўлган турмуш ўртоғингизга DV визаси керак бўлмайди ва бундай виза берилмайди. Шунинг учун, агар сиз аризада “турмуш қурган ва менинг турмуш ўртоғим АҚШ фуқароси ёки АҚШ Қонуний Доимий Резиденти”ни танласангиз, турмуш ўртоғингиз ҳақидаги кейинги маълумотларни кирита олмайсиз. Оила аъзолари ҳақида кўшимча маълумот учун [Кўп Сўраладиган Саволларни](#) кўринг.

14. Фарзандлар сони – Аризага барча ҳаёт бўлган, турмуш қурмаган ва 21 ёшдан кичик фарзандларингизни киритинг. Бунда, бу фарзандлар сиз билан яшашни ёки яшамаслиги, АҚШга иммиграция қилсангиз бирга бориши ёки бормаслиги ёки кетганингиздан сўнг сиз билан АҚШда бирлашиш истаги бор ёки йўқлиги эътиборга олинмайди. Ҳар бир фарзандингиз учун ўзингизнинг фотосуратингиз каби бир хил техник талабларга мувофиқ шахсий фотосуратлар топшингиз.

Қуйидагиларни албатта киритинг:

- Барча ҳаёт бўлган туғишган фарзандларингизни;
- Барча ҳаёт бўлган, қонуний равишда асраб олинган фарзандларингизни;
- Барча ҳаёт бўлган ўғай фарзандларингизни, агар улар турмуш қурмаган ва 21 ёшдан ошмаган бўлсалар. Бу фарзандларни ҳатто уларнинг ота/онаси билан қонуний никоҳда бўлмасангиз ҳам ва ҳатто бу фарзанд ҳозирги вақтда сиз билан

бирга яшамаса ҳам ва/ёки бу фарзанд сиз билан биргаликда иммиграция қилмаса ҳам киритиш шарт.

Турмуш қурган ва 21 ёшдан ошган фарзандлар DV дастурида қатнашиши мумкин эмас. Бирок, Болалар Мақомини Ҳимоялаш Акти баъзи ҳолларда болаларни “ёши ўтиб кетишидан” сақлайди. Агар DV дастурига аризани турмуш қурмаган фарзандингиз 21 ёшга тўлишидан аввал киритган бўлсангиз, ва фарзандингиз виза берилишидан аввал 21 ёшга тўлса, унга нисбатан виза жараёнлари мақсадида 21 га тўлмаган шахс сифатида муносабат кўрсатилиши мумкин.

Сиздан аллақачон АҚШ фуқароси ёки қонуний доимий резиденти бўлган фарзандни киритиш талаб қилинмайди, лекин бундай оила аъзоларингизни аризангизга киритишингиз ёки киритмаслигингиздан қатъий назар, сизга нисбатан ҳеч қандай чора кўрилмайди.

Талабларга жавоб берувчи барча фарзандларни аризада кўрсатмаслик асосий аризачининг четлатилиши (дисквалификация) ва виза учун суҳбат вақтида барча визаларга рад жавоби берилишига сабаб бўлади. Оила аъзолари ҳақида қўшимча маълумот учун [Кўп Сўраладиган Саволларни](#) кўринг.

DV-2019 дастурига электрон аризани тўлдириб топшириш ҳақида қўшимча маълумот учун [Кўп Сўраладиган Саволларни](#) кўринг.

Иштирокчиларнинг сараланиши

Давлат Департаменти шахсларни, ҳар бир минтақа ва давлатга тақсимланган визалар мавжудлиги асосида, барча мувофиқ аризалар орасидан компьютер томонидан амалга ошириладиган тасодиқий танлов орқали саралайди. DV-2019 дастурининг барча иштирокчилари E-DVнинг Интернет саҳифасига кириб, DV-2019га электрон ариза топшириш вақтида сақлаб қўйган махсус хусусий тасдиқлов рақамларидан фойдаланиб, Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) орқали ўз аризаларининг DV дастури учун сараланганини аниқлашлари мумкин. E-DVнинг www.dvlottery.state.gov Интернет саҳифасидаги Аризачи Мақомини Текшириш (Entrant Status Check) функцияси 2018 йил, 15 майдан бошлаб 2019 йил, 30 сентябрга қадар мавжуд бўлади.

Агар аризангиз сараланган бўлса, сиз қўшимча кўрсатмалар ҳамда АҚШга иммиграцияга боғлиқ тўловлар ҳақидаги маълумот жойлашган тасдиқлов саҳифасига йўналтириласиз. Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) DV-2019да сараланган иштирокчиларининг дастурда қолиб бўлганларини хабар қилишнинг ЯГОНА йўли бўлади. Давлат Департаменти қолибларга хабарномаларни почта орқали жўнатмайди ёки сараланганларни электрон почта орқали хабардор қилмайди. Аризалари сараланмаган шахслар ҳам ФАҚАТ Интернетда Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (*Entrant Status Check*) орқали хабардор этиладилар. Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (*Entrant Status Check*)га ўзингиз шахсан киришингизни қатъиян маслаҳат берамиз. Аризангизни текширишни ва сизни хабардор қилишни бировга ишониб топширманг.

АҚШга иммиграция қилиш учун, DV (турли миллатга мансуб иммигрант) қолиблари АҚШ Иммиграция Қонунчилигига мувофиқ барча виза олиш талабларига жавоб беришлари шарт. Электрон равишда тўлдирилган Онлайн Иммиграцион Виза ва Мурожаатчини Рўйхатга Олиш Анкетаси – DS-260да ва консуллик ходими шахсан суҳбат пайтида, АҚШ Қонунчилигига асосан

Сизнинг АҚШ иммиграцион визасини олиш талабларига жавоб беришингиз бўйича саволлар сўрайди. Бу саволларга жинсий ва хавфсизликка оид мавзулар киради.

Барча аризаларнинг кўриб чиқилиши ва турли миллатга мансуб иммигрантлар учун визалари (DV)нинг қолиб иштирокчилар ва уларнинг талабларга мувофиқ оила аъзоларига берилиши 2019 йил 30 сентябрга қадар амалга оширилиши шарт. Давлат Департаменти мазкур кундан сўнг ҳеч қандай ҳолатда турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар бермайди ёки ўзгартиришлар маъқулламайди; шу билан бирга, мазкур вақтдан сўнг оила аъзолари ҳам ўзлари рўйхатдан ўтган аризадаги асосий иштирокчига АҚШда қўшилиш учун турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визаларни ололмайдилар.

Иштирокчиларни саралаш жараёни ҳақида қўшимча маълумот учун [Кўп Сўраладиган Саволларни](#) кўринг.

Рақамли фотосурат (тасвир) топшириш


Сиз янги рақамли фотосурат олишингиз ёки охириги 6 ой ичида олинган тайёр чоп этилган фотосуратни рақамли сканерден ўтказишингиз мумкин. Бунда суратингиз қуйида келтирилган тузилиш ва техник хусусиятларга мувофиқ бўлиши лозим. Фотосуратларингизнинг мувофиқлигини E-DV Интернет саҳифасида фотосуратларни текшириш манзилида текшириб кўришингиз мумкин. Фотосуратларни текшириш саҳифасида фотосуратларнинг тузилишига доир қўшимча техник маслаҳатлар ҳамда талабларга мувофиқ ва номувофиқ фотосуратлар намуналари келтирилган. Эски фотосуратларни топширманг. Ўтган йилги дастурга топширилган, ўзгартирилган ёки қуйида келтирилган талабларга мувофиқ бўлмаган расмларни топшириш дастурдан четлатилишга олиб келади.

Фотосуратлар 24-бит ранг интенсивлигида бўлиши керак. Сканердан фойдаланаётган бўлсангиз, хоссалар True Color ёки 24-bit ранг режимида бўлиши керак. Қуйида қўшимча сканердан ўтказиш талабларини кўринг.

Тузилиш жиҳатлари:

- **Бошнинг ҳолати**
 - Суратга олинган шахс тўғри фотоаппаратга юзланиб туриши лозим.
 - Шахснинг боши юқорига, пастга ёки ён томонга бурилмаган бўлиши керак.
 - Бош узунлиги ёки юз қоплаган юза (бошнинг соч тепасидан, жағ остигача бўлган қисмигача ўлчанади) тасвирнинг жами узунлигининг 50 фоизидан 69 фоизигача бўлган қисмини қоплаши керак. Кўз жойлашув баландлиги (тасвирнинг остидан кўз чизиғигача ўлчанади) тасвир узунлигининг 56 фоиздан 69 фоизгача бўлган қисмида бўлиши керак.

- **Рақамли фотосурат бош ўлчамининг шаблони**



[Фотосуратга талаблар](#) веб-саҳифасидаги намуналарни кўриб чиқинг

- **Оч рангли фон**
 - Суратга олинаётган шахс холис оч рангли фон олдида туриши лозим.
- **Фокус**
 - Сурат марказлашган (фокусда) бўлиши зарур.
- **Безакларсиз**
 - Суратга олинган шахс қора кўзойнак ёки чалғитувчи бошқа жисмлар тақиб тушган фотосуратлар қабул қилинмайди.
- **Рўмол ва бош кийимларсиз**
 - Рўмол ёки бош кийимдаги шахсларнинг фотосуратлари, агар бу диний эътиқодга боғлиқ бўлиб, ва шунда ҳам, иштирокчи юзининг ҳеч қайси қисмини қоплаб турмаган бўлсагина қабул қилинади. Қабилага хос ёки диний хусусиятга эга бўлмаган бошқа бош кийимлардаги фотосуратлар қабул қилинмайди. Ҳарбий, авиалиния ва бошқа хизматчиларнинг бош кийимдаги суратлари қабул қилинмайди.

Техник жиҳатлар

- **Янги рақамли сурат олиш.** Агар янги рақамли фотосуратга тушсангиз, у қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

Тасвир файл формати: сурат Joint Photographic Experts Group JPEG форматида бўлиши зарур.

Тасвир файлининг ҳажми: суратнинг файл ҳажми 240 (икки юз қирқ) килобайтдан (240КВ) ошмаслиги зарур.

Тасвир равшанлиги ва ўлчамлари: минимал қабул қилинадиган ўлчамлар - баландликда 600 пиксель ва кенликда 600 пикселдан 1200 пиксель-1200 пикселгача. Тасвирнинг пиксель ўлчамлари квадрат мутаносибликда бўлиши керак (яъни баландлиги ва эни тенг бўлиши керак).

Тасвир ранги
тўйинганлиги: тасвир рангли бўлиши шарт (бир пикселга 24бит).
Оқ-қора 24-битли ва 8 битли тасвирлар қабул
қилинмайди.

- **Топширилган фотосуратни сканердан ўтказиш.** Фотосуратни сканердан ўтказишдан аввал унинг юқоридаги ранг ва тузилиш талабларига жавоб беришига ишонч ҳосил қилинг. Чоп этилган суратни қуйидагича созланган сканерда ўтказинг:

Сканер равшанлиги: бир дюймга камида 300(dpi) нукта равшанлик.

Тасвирнинг файл формати: тасвир Joint Photographic Experts Group JPEG
форматида бўлиши зарур.

Тасвир файлининг ҳажми: тасвирнинг ҳажми 240 (икки юз қирқ) килобайтдан
(240 KB) ошмаслиги зарур.

Тасвир равшанлиги: 600x600 пикселдан 1200x1200 пикселгача

Тасвир рангининг
тўйинганлиги: 24 бит хоссали ранг. Оқ-қора, монохром ва кул
рангсимон тасвирлар қабул қилинмайди.

КЎП СЎРАЛАДИГАН САВОЛЛАР

ТАЛАБЛАР

1. “Мувофиқлик”, “худудида туғилган” ва “тегишлилик” иборалари нимани англатади?

Худудида туғилган шахс ибораси кимнингдир бирор давлатда туғилганини англатади ва бунда мазкур шахснинг ҳозир яшаётган давлати ва фуқаролигининг аҳамияти йўқ. Иммиграция ва фуқаролик ҳақида Қонуннинг 202(б) бўлимига кўра худудида туғилган шахс атамаси, шунингдек, маълум бир шахс туғилган давлатдан ташқари у тегишли бўлган давлатни ҳам назарда тутиши мумкин.

Муайян мамлакат ёки жўғрофий ҳудуддан кираётган иммигрантлар сонига миқдорий чекловлар ўрнатилгани учун ҳар бир шахс маълум мамлакатга тегишли деб белгиланади. Сизнинг тегишлилигингиз қайси бир давлатнинг миқдорий чекловига нисбатан саналишингизга тааллуқли бўлади. Сизнинг мувофиқ давлатда туғилганлигингиз одатда сизнинг туғилган давлатингиз билан бир хил бўлади. Бироқ, сиз ўзингизнинг мувофиқ давлатда туғилганлигингизни турмуш ўртоғингизнинг туғилган давлатига ёки ота-онангиздан бирининг туғилган давлатига, агар сиз улар туғилмаган давлатда туғилган бўлсангиз ва улар сиз туғилган вақтда ўша давлатда доимий истиқомат қилмаган бўлса у ҳолда сиз ўша давлатга тегишлиликни танлашингиз мумкин. Булар сизнинг қайси давлатга тегишлилик танловини танлашингиз ягона учта йўлидир.

Мувофиқ давлатда туғилганлик ёки тегишлиликни нотўғри кўрсатиш (асосли равишда даъво ни исботлай олмаслик) аризани дастурдан четлатилишига олиб келиши мумкин.

2. Мувофиқ давлатда туғилмаган бўлсам ҳам иштирок этишим мумкинми?

Икки ҳолатда сиз дастурга ариза бериш талабларига мос бўлишингиз мумкин. Биринчиси, агар турмуш ўртоғингиз мувофиқ давлатда туғилган бўлса, сиз турмуш ўртоғингиз туғилган давлатга тегишлиликни даъво қилишингиз мумкин. Сизнинг мувофиқлигингиз турмуш ўртоғингизга боғлиқ бўлганлиги сабабли, сизнинг турмуш ўртоғингиз виза талабларига жавоб бериб, бу визани олишга муваффақ бўлмагунга қадар сиз иммиграцион визасини олмайсиз. Сиз DV визаларингиздан фойдаланиб, Америка Қўшма Штатларига турмуш ўртоғингиз билан бирга киришингиз керак бўлади. Шу тарзда балоғатга етмаган фарзандингиз ҳам ота-онанинг туғилган давлатига “тегишлилик”ни даъво қилиши мумкин.

Иккинчи ҳолат, фақат ота-онангизнинг бирортаси ҳам туғилишингиз пайтида номувофиқ давлатда қонуний истиқомат қилувчи мақомида бўлмаганлиги шarti билан, сиз ота-онангиздан бирининг туғилган давлатига “тегишли” бўлишингиз мумкин. Умуман, агар одамлар маълум давлатда туғилмаган ёки қонуний фуқаро бўлмай туриб бу давлатга шунчаки келган, вақтинчалик ўқиш учун ёки сиз туғилган давлатдан фарқли бошқа мамлакатга тегишли ташкилот ёки ҳукумат номидан бу давлатда мутахассислик ёки бизнес сабаблари туфайли яшаб турган бўлса, улар давлатнинг қонуний истиқомат қилувчиси ҳисобланмайди.

Агар сиз бошқа давлатга тегишлиликка даъво қилсангиз, сиз мазкур маълумотни E-DV аризасининг б-саволида кўрсатиб ўтишингиз даркор.

Мувофиқ давлатда туғилганлик ёки тегишлиликни нотўғри кўрсатиш (асосли равишда даъво ни

исботлай олмаслик) аризани дастурдан четлатилишига олиб келиши мумкин.

3. Нега баъзи давлатларда туғилган шахслар турли миллатларга мансуб иммигрантлар визалари дастурида қатнаша олмайди?

Турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар (DV) “кўп сонли иммигрантлар жўнатувчи» мамлакатлардан бўлмаган шахсларга иммиграция имкониятини беришга қаратилган. Қонунда белгиланишича, “кўп сонли иммигрантлар жўнатувчи» давлатлар сирасига ҳудудидан оилавий ва меҳнат виза тоифаларида АҚШга сўнгги беш йил давомида жами 50000 та одам кўчиб келган мамлакатлар киради. Ҳар йили, АҚШ Фуқаролик ва Иммиграция Хизмати (USCIS) ҳудудидан туғилган шахслар турли миллатларга мансуб иммигрантлар виза дастури (DV) учун номувофик давлатларни аниқлаш мақсадида сўнгги беш йил ичидаги оилавий ва меҳнат иммигрантлари ва мақомини ўзгартириш ҳолатлари сонини қўшиб, ҳисоблаб чиқади. Бундай ҳисоб-китоб ҳар йили амалга оширилгани сабабли ҳудудидан туғилган шахслар мувофик бўлмаган давлатлар рўйхати йилдан-йилга ўзгариб туради.

4. Ҳар бир мувофик давлат ва минтақада туғилган шахсларга DV-2019 визалари қандай миқдорда тақсимланади?

Имиграция ва Фуқаролик Актининг (INA) 203(с)-бўлимида белгиланган формуладан фойдаланиб, АҚШ Фуқаролик ва Иммиграция Хизматлари (USCIS) ҳар йил учун DVнинг минтақавий чекловларини аниқлайди. Оқибатда ҳар бир давлатда туғилган шахсларга бериладиган визалар сони минтақавий чекловлар, ҳар бир давлатдан топширилган аризалар сони ва сараланганлар орасида нечтаси виза олиш талабларига жавоб беришига боғлиқ бўлади. Ҳеч бир давлатда туғилган шахсларга дастурда мавжуд визаларнинг етти фоизидан ортиғи берилмайди.

5. Таълим ва иш тажрибасига талаблар қандай?

АҚШ Иммиграция қонуни ва меъёрий ҳужжатлари талабларига кўра ҳар бир DV иштирокчиси энг камида ўрта ёки унга тенглаштирилган таълимга, ёки сўнгги беш йилда икки йиллик малака ёки таълим талаб қилувчи ишда икки йиллик тажрибага эга бўлиши керак. “Ўрта ёки унга тенглаштирилган таълим” тушунчаси, Америка Қўшма Штатларида бошланғич ва ўрта таълимдан иборат ўн икки йиллик ўқишни муваффақиятли ниҳоялаш ЁКИ бошқа давлатда Қўшма Штатлардаги ўрта таълимга тенг расмий бошланғич ва ўрта таълимни муваффақиятли тамомлашни билдиради. Фақат расмий таълим йўналишлари шу талабга жавоб беради, сиртки таълим ёки тенглаштирилган таълим гувоҳномалари қабул қилинмайди. Таълим ёки иш тажрибасининг ҳужжатлаштирилган далили виза учун суҳбат вақтида консуллик бўлими ходимига кўрсатилиши шарт.

Агар сиз таълим ёки иш тажрибаси талабларига жавоб бермасангиз, суҳбатингиз пайтида сизнинг аризангизга рад жавоби берилади ва сизга ёки ҳеч бир оила аъзоларингизга визалар берилмайди.

6. Қайси касблар турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар дастурига мос келади?

Давлат Департаменти меҳнат малакасининг мувофиқлигини аниқлаш учун АҚШ Меҳнат

Департаментининг (МД) [O*Net OnLine](#) маълумотлар базасидан фойдаланади. Меҳнат Департаментининг (МД) [O*Net Online Database](#) маълумотлар базасидаги меҳнат малакаси гуруҳлари бешта “иш соҳаларига” бўлинади. МД веб саҳифасида кўплаб касблар санаб ўтилганига қарамасдан, фақатгина бир неча касблар турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар дастури талабини қондиради. Меҳнат малакангизга асосланиб, турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визага мувофиқ бўлиш учун сиз сўнгги беш йил ичида **Махсус Касбий Тайёргарлик (SVP) доирасида 7.0 ёки ундан юқори гуруҳга киритилган Иш Соҳаси 4 ёки 5 деб белгиланган ишда** икки йиллик малакага эга бўлишингиз керак.

Агар сиз таълим ёки иш тажрибаси талабларига жавоб бермасангиз, суҳбатингиз пайтида сизнинг аризангизга рад жавоби берилади ва сизга ёки ҳеч бир оила аъзоларингизга визалар берилмайди.

7. Меҳнат Департаментининг веб-сайтидаги [O*Net Online Database](#) маълумотлар базасидан мувофиқ касбларни қандай қилиб топаман?

[O*Net Online Database](#) маълумотлар базасига кирганингиздан сўнг касбингизнинг мувофиқлигини билиш учун қуйидаги тартибда иш тутинг:

1. “Find Occupations” (Касбларни топиш) га кириб, у ерда махсус бўлим “Job Family” (касбий соҳа) ни танланг;
2. “Job Family” рўйхатини кўздан кечириб, керакли тоифани танлаб, “GO”ни (Қидирув) босинг;
3. Сўнгра, айнан сизнинг касбингизга тегишли манзилни танланг.
4. Job Zone (Иш соҳаси) бўлинмасини танлаб, у ердан Иш соҳаси рақами ва Махсус Касбий Тайёргарлик (SVP)даги рейтинг баҳоланишини топинг.

Мисол учун, «Aerospace Engineering» (Аэрофазо муҳандислиги) ни танланг. Аэрофазо Муҳандислари учун Умумий Ҳисоботнинг остида, Иш соҳаси бўлимида сиз Иш Соҳасининг рақами 4 ва Махсус Касбий Тайёргарлик (SVP)даги рейтинг 7,0 дан <8.0 эканлигини кўрасиз.

Қўшимча маълумотлар учун [Турли Миллат Вакиллари учун Иммиграцион Визалар Лотереяси – Касблар Рўйхатини](#) кўринг.

8. DV дастурида иштирок этувчилар учун энг кам ёш чегараси борми?

Дастурда иштирок этиш учун минимум ёш чегара талаби йўқ, бироқ ҳар бир иштирокчи учун ариза қабул қилиш вақтида қўйилган ўрта таълим ёки иш малакасига эга бўлиш талаби 18 ёшдан кичик бўлган аксарият шахсларни самарали четлатади.

DV ДАСТУРИ УЧУН ЭЛЕКТРОН АРИЗАНИ ТЎЛДИРИШ

9. Аризамни қачон топширсам бўлади?

DV-2019 аризаларини қабул қилиш Шарқий Ёзги Вақт (EDT) (GMT-4) билан 2017 йил 18 октябрь, чоршанба куни соат 12:00 дан бошлаб, Шарқий Стандарт Вақт (EST) (GMT-5) бўйича 2017 йил, 22 ноябрь, чоршанба кунигача бўлган рўйхатга олиш даврида амалга оширилади. Ҳар

йили миллионлаб кишилар ариза топширишади. Аризалар қабул қилиш даврини шу саналарга белгилаш сараланганларни ўз вақтида огоҳлантиришни таъминлайди ҳамда визага мурожаат этувчилар ва бизнинг элчихона ва консулликларимизга виза бериш учун мурожаатларни вақтида тайёрлаш ва тугаллаш учун етарли вақтга эга бўлишларига имкон яратади.

Биз рўйхатга олиш даврида барвақт ариза топширишингизни маслаҳат берамиз. Рўйхатга олиш даврининг сўнггида ўта юқори талаб тизимни секинлатиб қўйиши мумкин. Биз 2017 йил, 22 ноябрь, чоршанба куни EST бўйича 12:00 дан сўнг ҳеч қандай аризаларни қабул қилмаймиз.

10. Мен АҚШдаман. DV дастурига ариза топширсам бўладими?

Ҳа, аризачи АҚШ ёки бошқа давлатдан туриб ариза топшириш мумкин. Ариза исталган жойдан топширилиши мумкин.

11. Рўйхатга олиш даврида фақат бир марта ариза топширишим мумкинми?

Ҳа, қонун бўйича ҳар рўйхатга олиш даврида бир шахс учун ва бир шахс номидан фақат битта аризага рухсат берилган. Давлат Департаменти бирдан ортиқ аризалар топширган шахсларни аниқлаш учун мураккаб технологияларни қўллайди. **Биттадан ортиқ ариза топширганлар дастурдан четлатиладилар (дисквалификация).**

12. Мен ва турмуш ўртоғим ҳар биримиз алоҳида ариза топширишимиз мумкинми?

Ҳа, агар эр билан хотиннинг ҳар бири мувофиқлик талабларини қондира олса, алоҳида ариза топширишлари мумкин. Агар бири танланса, иккинчиси яқин қариндош сифатида мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлади.

13. E-DV аризамга оила аъзоларимнинг қайсиларини киритишим шарт?

Турмуш ўртоғингиз: Турмуш ўртоғингизни бирга яшаш ёки яшамаслигингиздан ёки унинг сиз билан АҚШга иммиграция қилиш нияти бор ёки йўқлигидан қатъий назар, турмуш ўртоғингизни аризангизга киритишингиз шарт. Агар сиз турмуш ўртоғингиздан алоҳида яшаётган бўлсангиз ҳам, фақатгина сиз қонуний расмийлаштирилган ҳолда алоҳида яшаётган бўлмасангиз, турмуш ўртоғингизни аризангизда кўрсатишингиз шарт. Қонуний алоҳида яшаш бу суд қарорига асосан эр-хотин никоҳда қолиши лекин алоҳида яшашини белгиловчи битимдир. Агар сиз турмуш ўртоғингиз билан қонуний алоҳида яшаётган бўлсангиз, сизнинг турмуш ўртоғингиз сиз билан DV дастури орқали кўчиб кета олмайди. Агар қонуний алоҳида яшаётган турмуш ўртоғингизнинг исмини аризангизда кўрсатсангиз ҳам бунинг учун сиз жазоланмайсиз. Агар сизнинг алоҳида яшашларингиз суд буйруғига асосланган бўлмаса, у ҳолда турмуш ўртоғингизни киритишингиз шарт ҳаттоки сиз DV визасига мурожаат этишдан аввал ажрашмоқчи бўлсангиз ҳам. Талабларга мувофиқ турмуш ўртоғингизни аризага киритмаслик дастурдан четлатилишга (дисквалификация) асосдир. Агар ажрашган бўлсангиз ёки турмуш ўртоғингиз вафот этган бўлса, собиқ турмуш ўртоғингизнинг исмини аризангизга киритишингиз шарт эмас.

Бу талабдан фақатгина агар сизнинг турмуш ўртоғингиз аллақачон АҚШ фуқароси ёки АҚШ қонуний доимий истиқомат қилувчиси бўлсагина мустаснодир. Агар турмуш ўртоғингиз АҚШ фуқароси ёки АҚШ қонуний доимий истиқомат қилувчиси бўлса, уни аризангизда кўрсатманг. Аллақачон АҚШ фуқароси ёки АҚШ қонуний доимий истиқомат қилувчиси бўлган турмуш

Ўртоғингизга DV визаси керак бўлмайди ва бундай виза берилмайди. Шунинг учун, агар сиз аризада “турмуш қурган ва менинг турмуш ўртоғим АҚШ фуқароси ёки АҚШ Қонуний Доимий Резиденти”ни танласангиз, турмуш ўртоғингиз ҳақидаги кейинги маълумотларни кирита олмайсиз.

Фарзандлар: Сиз БАРЧА ҳаёт бўлган, аризангизни топшириш вақтида 21 ёшга етмаган ва турмуш қурмаган фарзандларингизни, шу жумладан сизнинг тугишган фарзандларингиз, ўғай фарзандларингиз (ҳатто шу фарзанднинг отаси ёки онасидан ажрашган бўлсангиз ҳам), турмуш ўртоғингизнинг фарзандларини ва мамлакатингиз қонунлари асосида асраб олган фарзандларингизни аризангизга киритишингиз шарт. Ҳатто E-DV аризасини тўлдираётган вақтингизда 21 ёшдан кичик бўлган болаларингиз сиз билан бирга яшамаса ёки уларнинг DV дастури бўйича иммиграция қилишини кўзламасангиз ҳам уларни аризага киритинг. Сиздан аллақачон АҚШ фуқароси ёки Қонуний Доимий Резиденти бўлган фарзандларни киритиш талаб қилинмайди гарчи уларни аризага киритганингиз учун сизга нисбатан ҳеч қандай чора кўрилмаса ҳам.

Ариза берувчининг ота-онаси, ака-ука ва опа-сингиллари оила аъзолари сифатида DV визаларини ола олмайдилар. Шу сабабли бу оила аъзоларингизни аризага киритманг.

Аризангизга оила аъзоларингизни киритсангиз, улар визага мурожаат этишлари, сиз билан иммиграция қилишлари ёки бирга сафар қилишлари мажбурий эмас. Бироқ, агар сиз қарамоғингиздаги оила аъзосини дастлабки аризангизга киритмасангиз, суҳбатингиз пайтида сизнинг аризангизга рад жавоби берилади ва сизга ёки ҳеч бир оила аъзоларингизга визалар берилмайди.

Бу ҳолат фақат дастлабки ариза топширилган вақтдаги оила аъзоларига тегишли бўлиб, кейин қўшилганларга тааллуқли эмасдир. Сизнинг турмуш ўртоғингиз сизнинг аризангизга киритилганига қарамасдан алоҳида аризасини топшириши мумкин ва шу билан бирга иккала ариза ҳам оилангиз қарамоғидаги барча оила аъзолар ҳақида маълумотларни ўз ичига олган бўлиши керак. Юқоридаги [12-саволга](#) га қаранг.

14. Аризамни шахсан ўзим топширишим шартми ёки бирор киши менинг ўрнимдан топшириб бериши мумкинми?

Сизни аризангизни ўзингиз тайёрлаб топширишга ундаймиз, лекин бирор бошқа киши аризани сизнинг номингиздан киритиши мумкин. Аризани шахсан ўзингиз топширсангиз ҳам, ёки юрист, дўст, қариндош ва бошқалар номингиздан топширса ҳам, бир шахс номидан фақатгина битта ариза топширилиши мумкин. Сиз, яъни мурожаат этувчи, аризангиздаги маълумотнинг тўғри ва тўлиқлигига жавобгарсиз; нотўғри ва тўлиқ тўлдирилмаган аризалар дастурдан четлатилиши мумкин. Мурожаат этувчилар ўзларининг тасдиқлов рақамларини ўзларида олиб қолишлари керак, чунки унинг ёрдамида ўзлари мустақил равишда ўз аризаларининг мақомларини www.dvlottery.state.gov саҳифасида Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) орқали текшира оладилар. Мурожаатчилар E-DVда кўрсатган электрон почтага кириш ҳуқуқларини сақлаб қўйишлари керак.

15. Мен аллақачон бошқа тоифадаги иммиграцион виза учун рўйхатга олинганман. Шунга қарамасдан DV дастурида иштирок этишим мумкинми?

Ҳа.

16. E-DV Интернетда фойдаланиш учун қачон очилади?

Интернет орқали аризалардан 2017 йил, 18 октябрь, чоршанба куни Шарқий Ёзги Вақти (GMT-4) бўйича 12:00 дан бошлаб 2017 йил 22 ноябрь, душанба куни Шарқий Стандарт Вақт (GMT-5) бўйича 12:00 гача бўлган рўйхатга олиш даври давомида фойдаланиш мумкин бўлади.

17. E-DV аризасини Интернетдан компьютерга кўчириб олиб, матн таҳрирчи дастурда сақлаб, кейинроқ тугатишим мумкинми?

Ўй, сиз ариза формасини бошқа дастурда сақлаб қўйиб, кейин тўлдириб, топширишингизнинг имкони ўй. E-DV ариза формаси веб шаклида холос. Маълумотлар он-лайн режимида киритилиши ва топширилиши талаб қилинади.

18. E-DV аризасини Интернетда онлайн режимида сақлаб қўйиб, кейинроқ тугатишим мумкинми?

Ўй. E-DV ариза формаси бир вақтда тўлдирилиб, топшириладиган қилиб яратилган. Ариза шаклини юклаб олган вақтингиздан бошлаб, уни тўлдириб E-DV Интернет саҳифаси орқали топширишингиз учун олтмиш (60) дақиқа вақт берилади. Агар сиз олтмиш дақиқали чекланган вақт давомида тўлиқ аризангизни топширишга улгурмасангиз, барча аллақачон киритилган маълумотларингиз ўчириб ташланади. Тизим тўлиқ бўлмаган барча аризаларни ўчиришининг сабаби – бундай аризалар кейинчалик топширилган тўлиқ аризаларнинг такрорий нусхаси (дубликати) деб хато қилинишининг олдини олишдир. Турли Миллатларга Мансуб Иммигрантлар Визалари (DV) Дастури Ўйриқномаларини аризани тўлдиришни бошлашдан аввал ўқиб чиқинг. Шунда сизга қандай маълумотлар кераклигини аниқ биласиз.

19. Агар менда сканердан фойдаланиш имкони бўлмаса, фотосуратларимни АҚШдаги қаридошимга жўнатиб, сканердан ўтказдириб, сақлаб, менга юборишини сўрашим ва шу жўнатилган фотосуратларни аризамда ишлатишим мумкинми?

Ҳа, фотосурат ўйриқномадаги талабларга жавоб берса ва E-DV аризаси билан бир вақтда электрон шаклда топширилса, бунга ўй қўйилади. Аризачилар фотосуратни аввалдан сканердан ўтказиб қўйиб, сўнг унинг файлини он-лайн режимида анкета билан топширишлари лозим. Фотосуратни он-лайн аризадан алоҳида топшириш мумкин эмас. Бутун ариза (фотосурат ва ариза биргаликда) АҚШ ёки хориждан электрон тарзда топширилиши мумкин.

20. Агар фотосуратларим талабларга жавоб бермаса, ўрнатилган тартибга биноан тизим менинг E-DV аризамни рад этади. Бу ҳолда мен аризамни қайта топширсам бўладими?

Ҳа, аризангиз 2017 йил 22 ноябрь, чоршанба куни Шарқий Стандарт Вақт (GMT-5) бўйича 12:00 гача тўлиқ рўйхатдан ўтгунига қадар. Фотосуратларингиз талабга жавоб бермаса, аризангиз E-DV тизимида қабул қилинмайди ва сиз қабул қилинганини тасдиқловчи хабар ҳам олмайсиз. Интернетнинг ҳаракатларини олдиндан айтиш мураккаблиги туфайли, рад этилганлик ҳақидаги хабарни дарҳол олмаслигингиз мумкин. Агар суратларни талабларга мослаштириб, олтмиш (60) дақиқа давомида аризангиз биринчи ёки иккинчи қисмини қайта жўнатсангиз, аризангизни муваффақиятли топшириш имкониятингиз бўлиши мумкин. Акс ҳолда, топшириш жараёнини

бутунлай қайтадан бошлашингиз зарур бўлади. Сиз то тўлиқ ариза қабул қилиб олиниб, тасдиқ хабари жўнатилгунга қадар, неча марта зарур бўлса, шунча марта ариза топширишга ҳаракат қилишингиз мумкин. Тасдиқлов хабарини олганингиз аризангиз топширилганидан дарак беради ва бу хабарнома олингач, аризани қайта топширишга ҳаракат ҚИЛМАНГ.

21. Аризамни топширганимдан кейин электрон тасдиқлов хабарномасини қанчалик тез оламан?

Тасдиқлов хабарномаси, шу жумладан, сиз ёзиб олиб, сақлаб қўйишингиз зарур бўлган тасдиқлов рақами сизга дарҳол етиб келиши керак. Аммо Интернет ва электрон почта системаларининг фаолиятини олдиндан айтиш мураккаблиги баъзи кечикишларга сабаб бўлиши мумкин. Тўлиқ ариза қабул қилиниб, тасдиқ хабари жўнатилгунча SUBMIT тугмасини қайта-қайта босишингиз мумкин. Бироқ, тасдиқловчи маълумотлар саҳифаси чиққандан сўнг ўзингизнинг маълумотларингизни қайта киритманг.

22. Мен SUBMIT тугмасини босдим, лекин тасдиқлов рақамини олмадим. Агар мен бошқа ариза топширсам, дастурдан четлатиламанми?

Агар сиз тасдиқлов рақамини олмаган бўлсангиз, сизнинг аризангиз рўйхатдан ўтмаган. Сиз бошқа ариза топширишингиз керак. Бу такрорий деб ҳисобланмайди. Тасдиқлов рақамини олганингиздан сўнг, маълумотларингизни қайта топширманг.

ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ САРАЛАНИШИ

23. Аризам сараланганини қандай билиб оламан?

2018 йил, 15 майдан то 2019 йил, 30 сентябргача ўз тасдиқлов рақамингиздан фойдаланиб, E-DV www.dvlottery.state.gov веб саҳифасидаги Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) га киришингиз мумкин бўлади. Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) аризангиз сараланганлиги ҳақида маълумот олиш, мурожаат қилиш жараёнидаги навбатдаги босқичлар билан танишиб чиқиш ва иммиграцион визага мурожаат этиш учун суҳбатингиз қачонлигини билишнинг ягона йўли бўлади. Барча мавжуд визаларни ишлатилганлигини таъминлаш учун, Давлат Департаменти 2018 йил, 15 майдан кейин кўшимча ғолибларни хабардор этиш учун Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check)дан фойдаланиши мумкин. Бирор ўзгаришлар эҳтимоли учун тасдиқлов рақамингизни 2019 йил, 30 сентябргача сақлаб қўйинг. Давлат Департаменти томонидан маъқулланган Турли Миллатларга Мансуб Иммигрантлар учун Визалар (DV) Дастурига ариза бериш ва Аризачи Мақомини Текшириш учун Интернетдаги ягона саҳифа - www.dvlottery.state.gov.

Давлат Департаменти сизнинг аризангиз сараланганини (ғолиб бўлганингизни) сизга хабар қилиш учун сиз билан БОҒЛАНМАЙДИ. (Кўп Сўраладиган Саволларда 23-саволни кўринг)

24. Агар сараланганлар қаторида бўлмасам, буни қандай билиб оламан? Менга хабар келадими?

Агар сизнинг аризангиз танланмаган бўлса Давлат Департаменти сизни тўғридан тўғри хабардор этмайди. Сиз сараланганлигингизни билиш учун Аризачи Мақомини Текширишдан фойдаланишингиз шарт. DV-2019га топширган аризангиз мақомини 2018 йил, 15 майдан то 2019 йил, 30 сентябргача E-DV www.dvlottery.state.gov веб саҳифасидаги Аризачи Мақомини

Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) орқали текширишингиз мумкин. Тасдиқлов рақамингизни камида 2019 йил, 30 сентябргача сақлаб қўйинг. (Ўтган йилги дастур – DV-2018 натижаси ҳақидаги маълумотлар 2017 йил, 2 майдан то 2018 йил, 30 сентябргача бўлган муддат давомида интернетда мавжуд бўлади).

25. Тасдиқлов рақамини йўқотиб қўйсам нима бўлади?

Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check)га кира олишингиз учун тасдиқлов рақамингиз бўлиши шарт. Бундан буён, E - DV саҳифасидаги Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check)да ўзингизнинг баъзи шахсий маълумотларингизни киритганингиздан сўнг аризангизда кўрсатган электрон почта манзилингизга тасдиқлов рақамини юбориш имконини берувчи функция мавжуд бўлади.

АҚШ элчихоналари ва консулликлари ҳамда Кентукки Консуллик Маркази (ККМ) сизнинг мақомингизни текшириш ёки тасдиқлов рақамингизни сизга бевосита тақдим этиш (юқоридаги Аризачи Мақомини Текшириш Функциясида мавжуд рақамни тиклаш функциясидан ташқари) имкониятларига эга эмаслар.

Давлат Департаменти виза жараёнларини давом эттириш учун сараланганлар рўйхатини ТАҚДИМ ЭТА ОЛМАЙДИ.

26. Мен Давлат Департаментидан электрон почта ёки оддий почта орқали маълумот оламанми?

Давлат Департаменти сизга хабарнома хат юбормайди. АҚШ Ҳукумати ҳеч қачон танланган шахсларни хабардор этиш учун электрон почта орқали хабарлар жўнатмаган ва DV-2019 дастурида ҳам бу мақсадда электрон почтадан фойдаланиш режалари йўқ. Сараланган бўлсангиз, фақатгина Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси орқали хабардор этиш кўрсатмаларига жавоб берганингиздан сўнг, электрон почта орқали суҳбатингиз куни ва вақти тўғрисида хат оласиз. Бундай электрон почта хатлари Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси орқали суҳбат вақтларини билиб олишга кўрсатма беради холос ва хатнинг ўзида суҳбат белгиланган кун ва вақт ҳақида маълумот бўлмайди. Давлат Департаменти DV дастури мурожаатчиларига Аризачи Мақомини Текшириш функцияси орқали уларнинг аризаларининг мақомини текширишларини эслатиш мақсадида электрон хатлар юбориши мумкин. Бироқ, бу хатлар аризачи дастурда ғолиб бўлган ёки бўлмаганлигини кўрсатмайди.

Фақатгина манзили ".gov" қўшимчаси билан тугайдиган веб саҳифалар расмий АҚШ ҳукумати саҳифалари ҳисобланади. Кўплаб бошқа веб саҳифалар (масалан, манзиллари ".com" ёки ".org" ёки ".net" қўшимчалари билан тугайдиган саҳифалар) иммиграция ва визага тааллуқли ахборот тақдим этишади ва хизматлар кўрсатишади. Давлат Департаменти бошқа вебсайтларда берилган ҳеч қандай ахборот ёки материалларни қўллаб-қувватламайди, тавсия қилмайди ёки уларга ҳомийлик кўрсатмайди.

Баъзи вебсайтлар сизни чалғитиб, ўзларига пул жунатишга ёки шахсий маълумотларингизни тақдим этишга ундаб, сизга электрон почта орқали хат юборишади. Сиздан Давлат Департаментининг travel.state.gov вебсайти ёки АҚШ элчихона ва консуллиги вебсайтларида текин берилувчи иммиграция тартиб-қоидалари ҳақида маълумот ва формалар учун тўлов ундиришга ҳаракат қилиниши мумкин. Қўшимча равишда, ташкилотлар ва вебсайтлар сиздан турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визаларга боғлиқ тўловлар олиб, сизнинг

пулингизни ўзлаштиришга ҳаракат қилиши мумкин. Сиз мазкур нодавлат ташкилотлари ёки вебсаҳифалардан бирортасига пулингизни жўнатсангиз, уни қайтиб кўришингиз амри маҳол. Бундан ташқари, мазкур вебсайтларга бирор шахсий маълумотингизни жўнатманг, чунки бу шахсий ахборотингиз ўғирланиши ёки шахс ўғирлиги сингари жиноятларга олиб келиши мумкин.

Бу ёлгон хатлар ўзини Давлат Департаментининг Кентакки Консуллик Марказига алоқадор деб кўрсатувчи шахслардан келиши мумкин. **Шуни эсда тутинки, АҚШ ҳукумати ҳеч қачон аризачиларга дастурда ғолиб бўлганликларини хабардор этиш учун электрон хатлар жўнатмаган ва DV-2019 дастурида ҳам шу мақсадда электрон хатлардан фойдаланиш режаси йўқ.** Давлат Департаменти ҳеч қачон сиздан почта ёки Вестерн Юнион (Western Union) каби хизматлар орқали пул жўнатишни сўрамайди.

27. DV-2019 учун неча киши саралаб олинади?

DV-2019 учун 50000 та DV визалар ажратилган. Биринчи сараланган 50000 та шахсининг баъзилари виза талабларига жавоб бермасликлари ёки ишларини виза олиш босқичигача давом эттира олмасликлари эҳтимоли мавжудлиги туфайли ва барча DV визалари ишлатилишини таъминлаш учун, 50000 дан ортиқ ариза саралаб олинади. Аммо, бу ҳолат дастлабки сараланганлар учун визалар етмай қолиши мумкинлигини ҳам англатади.

Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) орқали аризангиз сараланганини аниқлашингиз ва сараланган бўлса, иштирокчилар рўйхатидаги ўз ўрнинингизни билиб олишингиз мумкин. DV-2019 дастури учун суҳбатдан аввал талаб қилинадиган барча ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этган сараланганлар суҳбатлари 2018 йил октябрдан бошланади. Барча талаб қилинадиган маълумотларни тақдим этган сараланган иштирокчилар хорижда жойлашган АҚШ консулликлари ходимлари билан белгиланган суҳбатларидан 4-6 ҳафта олдин E-DV Интернет саҳифасидаги Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) орқали суҳбат вақтлари ҳақида огоҳлантириладилар.

Ҳар ой, ўша вақтда виза олишга тайёр иштирокчилар учун, визалар тартиб рақами тўғри келиш шарти билан, визалар берилади. Барча 50000та DV визалари берилиб бўлингач, шу йилги дастур ниҳоясига етади. Визалар 2019 йил сентябрдан олдин тарқатилиб бўлиши ҳам мумкин. Виза олишни хоҳловчи сараланганлар тез ҳаракат қилишга тайёр бўлишлари керак. **Тасодифий танлов орқали сараланиш сизга виза олишингизнинг кафолатини бермайди. Танлов фақатгина сиз DV визасига мурожаат этишингиз мумкинлигини ва агар иш рақамингиз якуний жараёнлардан ўтиш учун тўғри келса ва виза олиш талабларига жавоб берсангиз, DV визаси берилишини билдиради. Фақатгина 50000та визалар ушбу мурожаат этувчиларга берилади.**

28. Муваффақиятли иштирокчилар қандай сараланади?

Иштирокчилар 2018 йил, 15 майдан бошлаб то 2019 йил, 30 сентябрга қадар E-DVнинг www.dvlottery.state.gov интернет саҳифасида жойлашган Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) орқали сараланганлари ҳақида расман хабардор қилинадилар. Давлат Департаменти сараланганлик хабарномалари ёки хатларни почта ёки электрон почта орқали жўнатмайди. DV танловида сараланганлигингиз хусусида хат ёки электрон почта орқали хабарнома олсангиз, бу хат Давлат Департаментидан эмас ва

ноқонуийдир. Давлат Департаментидан сизга юборилган ҳар қандай электрон хатлар мурожаатингизга боғлиқ бўлган янгиликларни кўриш учун Аризачи Мақомини Текшириш Функциясини кўриб чиқишингизга кўрсатма беради. Давлат Департаменти сиздан почта ёки Western Union орқали пул жўнатишни ҳеч қачон сўрамайди.

Ҳар бир минтақадан қабул қилиб олинган барча аризалар алоҳида рақамланади, ва рўйхатга олиш даври ниҳоясида, компьютер ҳар бир географик минтақа бўйича қабул қилиб олинган аризаларини тасодифий танлаш йўли билан саралаб олади. Ҳар бир минтақа ичида биринчи саралаб олинган ариза рўйхатдан ўтган биринчи иш бўлиб, иккинчиси эса иккинчи бўлиб рўйхатдан ўтган ҳисобланади ва ҳоказо. Рўйхатга олиш даврида қабул қилинган барча аризаларнинг ўз минтақаси ичида танлаб олиниш эҳтимоли тенг. Ариза сараланган тақдирда иштирокчи 2018 йил, 15 майдан бошлаб E-DVнинг www.dvlottery.state.gov Интернет саҳифасида жойлашган Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) орқали хабардор қилинади. Агар аризангиз сараланса ва сиз Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check)даги кўрсатмаларга биноан жавоб берсангиз, Давлат Департаментининг Кентукки Консуллик Маркази (КСС), то визага ариза берувчи бўлиб сараланганлар АҚШ Элчихонаси ёки Консуллигига виза учун суҳбатга келишлари хусусида йўл-йўриқ олмагунча ёки Америка Қўшма Штатлардаги мавқеини ўзгартиришга мувофиқ бўлганлар АҚШдаги USCIS муассасасига мурожаат қилмагунларига қадар ишни олиб боришда давом этаверади.

29. Мен аллақачон АҚШдаман. Агар сараланганлар қаторида бўлсам, АҚШда мақомимни ўзгартиришим мумкинми?

Ҳа, агар сиз АҚШ Иммиграция ва Фуқаролик Актининг 245-бўлимида кўрсатилган мавқеингизни ўзгартириш талабларига мувофиқ бўлсангиз, ўз мақомингизни доимий резидентга ўзгартириш учун USCIS га мурожаат қилишингиз мумкин. Сиз USCIS 2019 йил 30 сентябргача ўз мурожаатингиз, жумладан хориждаги турмуш ўртоқ ёки 21 ёшдан кичик бўлган фарзандларингизнинг мурожаатлари бўйича жараёнларни тугата олишига ишонч ҳосил қилишингиз керак, чунки айнан шу кунда DV-2019 дастурига мувофиқлигингизнинг амал қилиш муддати тугайди. Давлат Департаменти ҳеч қандай ҳолатда 2019 йил, 30 сентябрь 24:00 дан сўнг DV-2019 дастури учун ҳеч қандай виза рақамлари бермайди ва ҳеч қандай мақом ўзгартиришларни амалга оширмайди.

30. Агар сараланганлар қаторида бўлсам, DV визасига қандай муддат ичида мурожаат этишга ҳақлиман?

Агар DV-2019 дастурида сараланган бўлсангиз, фақат АҚШ солиқ йили мобайнида визага мурожаат этишингиз мумкин, яъни 2018 йил, 1 октябрдан, 2019 йил, 30 сентябргача. Саралаганларга якуний жараёнлардан ўтиш учун иш рақамлари тўғри келиши биланок имкон қадар эртароқ визага мурожаат этиш тавсия этилади.

Ҳеч қандай истисноларсиз, барча сараланган ва мувофиқ иштирокчилар солиқ йили ниҳоясигача визаларини олишлари ёки мақомларини ўзгартиришлари шарт. Сараланган, лекин визаларини 2019 йил, 30 сентябргача (солиқ йили ниҳоясигача) ола олмаганлар учун DV имтиёзлари кейинги йилга ўтказилмайди. Шу тарзда аризаларнинг турмуш ўртоқлари ва фарзандлари ўзларининг DV оила аъзоси сифатидаги визаларини ҳам 2018 йил, 1 октябрдан, 2019 йил, 30 сентябргача олишлари мумкин. АҚШдан ташқарида мурожаат этаётганлар Департамент томонидан Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси орқали ўз суҳбатлари белгиланган кундан тўрт-олти ҳафта муқаддам суҳбат вақтлари ҳақида хабардор этиладилар.

31. Агар DV дастурида сараланган шахс вафот этса, унинг иши нима бўлади?

Агар DV дастурида сараланган шахс АҚШга етиб боришдан аввал вафот этса, DV иши бекор қилинади. Вафот этган сараланган шахснинг турмуш ўртоғи ва/ёки фарзандлари ҳам шу вақтдан бошлаб DV визасига эга бўлишга ҳақлари бўлмайди. Уларга берилган ҳар қандай визалар бекор қилинади.

ТЎЛОВЛАР

32. DV дастурига ариза топшириш учун қанча ҳақ тўлаш керак?

Электрон аризани топшириш учун ҳеч қандай тўлов ундирилмайди. Бироқ, агар аризангиз сараланса, виза аризасини топшириш жараёнида барча талаб қилинадиган виза тўловларини бевосита АҚШ Элчихонаси ёки Консуллигидаги консуллик ғазначисига тўлашингиз зарур. Қўшма Штатларда бўлган сараланган шахс бўлсангиз, USCIS орқали ўз мақомингизни ўзгартириш учун барча талаб қилинадиган тўловларни бевосита USCISга тўлайсиз. Зарур турли миллатларга мансуб иммигрантлар визаси ва иммиграцион виза аризаси тўловлари ҳақида тафсилотларни E-DVнинг www.dvlottery.state.gov Интернет саҳифаси орқали бериладиган йўриқномалардан оласиз.

33. Агар саралансам, DV визасига боғлиқ тўловларни қандай ва қаерда тўлайман?

Агар тасодифий танлов йўли билан сараланган аризачи бўлсангиз, DV визасига мурожаат этиш жараёнлари ҳақида www.dvlottery.state.gov саҳифасидаги Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси орқали йўриқномалар оласиз. Сиз DV ва иммиграцион визага тааллуқли барча тўловларни АҚШ элчихонаси ёки консуллигидаги консуллик ғазначисига ўзингиз шахсан тўлайсиз. Агар АҚШ элчихонаси ёки консуллигида иммиграцион визага мурожаат этаётган бўлсангиз, DV тўловлари учун ҳеч кимга почта, Вестерн Юнион, ёки бошқа ҳар қандай етказиб бериш хизматларидан фойдаланиб пул жўнатманг.

Агар сараланган бўлсангиз ва аллақачон АҚШда бўлсангиз ҳамда USCIS орқали ўз мақомингизни ўзгартиришни режалаштирсангиз, www.dvlottery.state.gov саҳифасидаги Аризачи Мақомини Текшириш Функциясида мавжуд бўлган йўриқномаларда АҚШ банкига DV тўловларини жўнатиш ҳақида маълумотлар берилган.

34. Агар DVга мурожаат этсам, аммо виза олиш талабларига номувофиқлигим туфайли виза ола олмасам, тўлаган тўловларимни қайтариб олсам бўладими?

Йўқ. Виза тўловлари қайтариб берилмайди. Сиз ушбу йўриқномада таъкидланган барча виза талабларига жавоб беришингиз шарт. Агар Консул сизнинг виза талабларига жавоб бермаслигингизни аниқласа ёки АҚШ қонуни бўйича виза олишингиз учун таъқиқ ўрнатилса, Консул виза бера олмайди ва тўлаган барча тўловларингиз ушлаб қолинади.

ВИЗА ОЛИШГА ҚОНУНИЙ ТАЪҚИҚЛАР

35. DV визасига мурожаат этган шахс сифатида, бирор виза олишга қонуний таъқиқлардан истисно қилинишим мумкинми? Менинг истисно қилишга берган аризам бирор имтиёзли жараёндан ўтказиладими?

DV аризачилари Иммиграция ва Фуқаролик Актида белгиланган иммиграцион визалар берилишига қўйилган барча таъқиқларга бўйсундилар. Қонунда белгиланганидан ташқари виза олишга қўйилган таъқиқлардан истисно сифатида озод қилиш ёки озод қилиниш ҳақида аризаларни алоҳида кўриб чиқишга оид махсус моддалар йўқ. Яқин қариндошлари АҚШ фуқаролари ёки АҚШ доимий қонуний резидентлари бўлган қатнашчилар учун таъқиқлардан истисно сифатида озод этиш бўйича баъзи умумий жараёнлар назарда тутилган бўлишига қарамасдан, DV дастурининг вақт билан чекланганлиги бу қатнашчилар мазкур жараёнлардан самарали фойдаланишини мураккаблаштиради.

DV ДАСТУРИГА ОИД ФИРИБГАРЛИКДАН ОГОҲ БЎЛИНГ

36. Интернетдаги фирибгарлик ва сўровсиз электрон почта хатлари ҳақида қаерга мурожаат этиб, маълумот беришим мумкин?

Илтимос, www.econsumer.gov веб-сайтига мурожаат қилинг. Бу саҳифа Федерал Савдо Комиссияси томонидан бошқарилади ва 17 давлатнинг истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш органларининг қўшма саъй-ҳаракатларини жамлайди. Шунингдек, фирибгарлик ҳақида Федерал Қидирув Бюросининг (FBI) [Интернетда жиноятга қарши шикоят марказига](#) маълумот беришингиз мумкин. Сўровсиз юборилаётган электрон хатлар устидан шикоят учун [Адлия Вазирлиги веб-сайтига](#) кириг.

DV ДАСТУРИ СТАТИСТИКАСИ

37. DV-2019 дастурида бериладиган визалар сони нечта?

Қонунга кўра, мувофиқ шахслар учун энг кўпи 55000 та виза мавжуд. Бирок, 1997 йилнинг ноябрь ойида АҚШ Конгресси томонидан қабул қилинган “Никарагуани қайта тиклаш ва Марказий Америкага ёрдам тўғрисида” ги Қонунга (NACARA) кўра DV-1999 дан бошлаб ва зарурият мавжудлигигача ҳар йили ажратилувчи 55000 турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалардан 5000 тагачаси NACARA дастури миқёсида фойдаланилиши ҳақида қарор қилинди. Визалар сонини камайтириш амалда DV-2000 дан бошланди ва бу ҳолат DV-2019 да ҳам сақланиб қолади ва шу тарзда, мазкур йўриқномада тасвирланган DV дастури учун 50000 нафар виза қолади.

УМУМИЙ САВОЛЛАР

38. Агар DV дастури бўйича виза олсам, АҚШ ҳукумати АҚШга етиб олишим учун самолёт билетини тўлаб, менга у ерда иш ва уй-жой топишимда ёрдам бериб ва/ёки мен батамом ўрнашиб олгунимча тиббий ёрдам ва бирор ёрдам пули билан таъминлаб турадимми?

Йўқ. DV дастури бўйича виза олсангиз, АҚШ ҳукумати санаб ўтилган хизматларнинг бирортасини кўрсатмайди. DV визасига мурожаат этиш учун сараланган бўлсангиз, сизга виза берилишидан аввал, сиз АҚШда давлат қарамоғига тушиб қолмаслигингизни исботлашингиз керак. Исботловчи маълумотлар ўз мол-мулкингиз ҳақидаги маълумот, АҚШда яшовчи қариндошингиз ёки дўстингиздан «Ёрдам Тасдиқномаси» формаси (I-134) ва/ёки АҚШдаги иш

берувчидан ишга таклифнома, бошқа далиллар ёки юқорида санаб ўтилганларнинг бир нечтасидан иборат бўлиши мумкин.

DV-2019 ТАЛАБЛАРИГА МУВОФИҚ БЎЛГАН МАМЛАКАТЛАР ХУДУДИДА ТУҒИЛГАН ШАХСЛАР УЧУН МИНТАҚА БЎЙЛАБ РЎЙХАТ

Қуйидаги рўйхатда ҳар бир жўғрофий минтақа бўйлаб ҳудудда туғилган шахслар DV-2019га мувофиқ бўлган мамлакатлар келтирилган. Хориждаги ҳудудлар ўзлари қарам бўлган давлат минтақасининг рўйхатига киритилган. Ҳудудда туғилган шахслар DV-2019 дастури учун номувофиқ бўлган мамлакатлар АҚШ Фуқаролик ва Иммиграция Хизмати (USCIS) томонидан Иммиграция ва фуқаролик ҳақида Қонуннинг 203(с) бўлимидаги формулага биноан аниқланди. Ҳудудда туғилган шахслар мазкур турли миллатларга мансуб иммигрантлар DV дастурига мувофиқ бўлмаган мамлакатлар (чунки улар оилавий ва меҳнат сабабларига кўра иммигрантликнинг асосий манбаидир, ёки иммигрантлик кўрсаткичи юқори мамлакатлардир) тегишли минтақавий рўйхатлардан сўнг белгиланган.

АФРИКА

Жазоир	Ливия
Ангола	Мадагаскар
Бенин	Малави
Ботсвана	Мали
Буркина Фасо	Мавритания
Бурунди	Маврикий
Камерун	Марокаш
Кабо Верде	Мозамбик
Марказий Африка Республикаси	Намибия
Чад	Нигер
Комор ороллари	Руанда
Конго	Сан Томе ва Принсипи
Конго Демократик Республикаси	Сенегал
Кот д'Ивуар	Сейшел ороллари
Жибути	Сьерра Леоне
Миср*	Сомали
Экваториал Гвинея	Жанубий Африка
Эритрея	Жанубий Судан
Эфиопия	Судан
Габон	Свазиленд
Гамбия	Танзания
Гана	Того
Гвинея	Тунис
Гвинея-Биссау	Уганда
Кения	Замбия
Лесото	Зимбабве
Либерия	

*1967 йилнинг июль ойигача Исроил, Иордания, Сурия ва Миср томонидан бошқарилган ҳудудларда туғилган шахслар, мутаносиб равишда Исроил, Иордания, Сурия ва Мисрга

тегишли бўладилар. Ғазо ҳудудида туғилган шахслар Мисрга тегишли. Иордан дарёсининг Ғарбий Қирғоғида туғилган шахслар Иорданияга тегишли. Голан Тепаликлари ҳудудида туғилган шахслар Сурияга тегишли.

Африка бўйича бу йилги турли миллатларга мансуб иммигрантлар дастурида Нигерияда туғилган шахслар мувофиқ эмас.

ОСИЁ

Афғонистон	Мальдив ороллари
Баҳрайн	Монголия
Бутан	Непал
Бруней	Шимолий Корея
Бурма	Уммон
Камбоджа	Қатар
Гонконг Махсус	Саудия Арабистони
маъмурий округи**	Сингапур
Индонезия	Шри Ланка
Эрон	Сурия*
Ироқ	Тайвань**
Исроил*	Таиланд
Япония	Тимор-Лесте
Иордания*	Бирлашган Араб Амирликлари
Қувайт	Яман
Лаос	
Ливан	
Малайзия	

*1967 йилнинг июль ойигача Исроил, Иордания, Сурия ва Миср томонидан бошқарилган ҳудудларда туғилган шахслар, мутаносиб равишда Исроил, Иордания, Сурия ва Мисрга тегишли бўладилар. Ғазо ҳудудида туғилган шахслар Мисрга тегишли. Иордан дарёсининг Ғарбий Қирғоғида туғилган шахслар Иорданияга тегишли. Голан Тепаликлари ҳудудида туғилган шахслар Сурияга тегишли.

** Гонгконг М.М.О.(Осиё), Макау М.М.О. (Европа региони, Португалияга тегишли) ва Тайвань (Осиё региони) **мувофиқ бўлиб**, шу ерда санаб ўтилган. Фақатгина турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар дастури мақиёсида, Макау М.М.Ода туғилган шахслар мувофиқликни Португалия ҳисобидан оладилар.

Қуйидаги Осиё давлатларида туғилган шахслар мазкур йилдаги Турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар дастурига мувофиқ эмас: Бангладеш, Хитой (материк ичида туғилганлар), Ҳиндистон, Покистон, Жанубий Корея, Филиппин, ва Вьетнам.

ЕВРОПА

Албания	Люксембург
Андорра	Макау Махсус Маъмурий Округи**
Арманистон	Македония
Австрия	Мальта
Озарбайжон	Молдова
Беларусь	Монако
Бельгия	Черногория
Босния ва Герцеговина	Нидерландия (унинг таркиби хориждаги қарам худудлари)
Болгария	Шимолий Ирландия**
Хорватия	Норвегия
Кипр	Польша
Чехия Республикаси	Португалия (унинг таркиби ва хориждаги қарам худудлари)
Дания (унинг таркиби ва хориждаги қарам худудлари)	Руминия
Эстония	Россия
Финландия	Сан Марино
Франция (унинг таркиби ва хориждаги қарам худудлари)	Сербия
Грузия	Словакия
Германия	Словения
Греция	Испания
Венгрия	Швеция
Исландия	Швейцария
Ирландия	Тожикистон
Италия	Туркия
Қозоғистон	Туркманистон
Косово	Украина
Қирғизистон	Ўзбекистон
Латвия	Ватикан шаҳри
Лихтенштейн	
Литва	

** Макау М.М.О. **мувофик бўлиб** ва у шу ерда санаб ўтилган. Фақатгина турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар дастури мақолида, Макау М.М.Ода туғилган шахслар мувофиқликни Португалия ҳисобидан оладилар.

*** Турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар дастури мақолида, Шимолий Ирландияга ўзга ёндашув билан қаралди. Шимолий Ирландия **мувофик бўлиб**, мувофиқ давлатлар орасида келтирилди.

Қуйидаги Европа давлатлари ҳудудида туғилган шахслар мазкур йилдаги Турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун Визалар дастурига мувофиқ **эмас**: Буюк Британия (Бирлашган Қироллик). Буюк Британия (Бирлашган Қироллик) қуйидаги қарам худудларни ўз ичига олади: Ангуилла, Бермуда, Британия Виржиния ороллари, Кайман ороллари, Фолькланд ороллари, Гибралтар, Монсеррат, Питкаирн, Мукаддас

Елена, Турк ва Кайкос ороллари.

ШИМОЛИЙ АМЕРИКА

Багама ороллари

Шимолий Америкада Канада ва Мексика ҳудудида туғилган шахслар бу йилги Турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар дастурида иштирок этишга **номувофикдир**.

ОКЕАНИЯ

Австралия (унинг таркиби ва хориждаги
карам ҳудудлари)

Фижи

Кирибати

Маршал ороллари

Микронезия, Науру

Федератив Штатлар

Янги Зеландия (унинг таркиби ва хориждаги
карам ҳудудлари)

Палау

Папуа Янги Гвинея

Соломон ороллари

Тонга

Тувалу

Вануату

Самоа

ЖАНУБИЙ АМЕРИКА, МАРКАЗИЙ АМЕРИКА ВА КАРИБ ОРОЛЛАРИ

Антигуа ва Барбуда

Аргентина

Барбадос

Белиз

Боливия

Чили

Коста Рика

Куба

Доминика

Эквадор

Гренада

Гватемала

Гайана

Гондурас

Никарагуа

Панама

Парагвай

Сент Кристофер ва Невис

Сент Люсия

Сент Винсент ва Гренадинлар

Суринам

Тринидад ва Тобаго

Уругвай

Венесуэла

Минтақада мазкур йилдаги Турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар дастурига ҳудудида туғилган шахслар **номувофик** бўлган давлатлар: Бразилия, Колумбия, Доминикана Республикаси, Сальвадор, Гаити, Ямайка, Мексика ва Перу.